



# ЎЗБЕК ПАХТА ТОЛАСИГА - ДУНЁ ХАРИДОР

(Боши 1-саҳифада)

Пахта толасини текшириш учун марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида ўрнатилган юқори технологик тизимлардан фойдаланилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган даврда тала сифати яхшиланишига эришилди. Охириги пахта мавсумлари мобайнида «Олий» ва «Яхши» синфларнинг ўсишида барқарорлик кузатирилмоқда. Хусусан, 2011 йил пахта ҳосилидан ишлаб чиқарилган толаннинг 85,1 фоизини юқори синфга мансуб бўлган тала, жумладан, 28,1 фоизини «Олий», 57 фоизини «Яхши» синфлари ташкил қилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг 99,5 фоизи пишиб етилганлигини ифодолович микронейр курсаткичи бўйича стандарт меъёрларига ва жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беради.

Форум иштирокчиларнинг таъкидлашича, жаҳон бозоридagi жиқдий рақобат шароитида ўзбек пахтасининг шуҳрати ошиши, унинг сифати ҳамда етказиб бериш инфратузилмасининг барқарор фаолиятидadir. Мамлакатимизда пахтани сотиш бўйича барча хизматларни кўрсатадиган, толана сақлайдиган ҳамда жўнатишни таъминлайдиган терминаллар тармоғини ўз ичига олган замонавий инфратузилма ташкил этилди.

Кейинги йилларда пахта хомашёсини қайта ишлаш, хусусан, тўқимачилик саноатини янада кенгайтириш борасида ҳам юксак натижаларга эришилмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011 – 2015 йил-

ларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳар йили ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилмоқда. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминламоқда, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган энгил саноат маҳсулотлари дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларга экспорт қилинмоқда.

Форум иштирокчилари мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳияти, инвестиция самарадорлиги ҳамда тўқимачилик лойиҳалари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Кўргазма залларида тўқимачилик корхоналари ўзларининг маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

– Корхонамиз учун асосий хомашё пахта ҳисобланади, – дейди Янгийўл туманидаги «Plasteks» масъулияти чекланган жамияти директори Асқар Иноғомов. – Биз учун яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни бошладик, янада кенгайтиряёмиз. Корхонамизга замонавий технологиялар ўрнатилди. Бир кеча-кун-



дудза 24 тонна калава-ип ишлаб чиқариладиган корхонамизда 500 киши иш билан таъминланган. Маҳсулотлар Эрон, Хитой ҳамда Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Мамлакатимизда яратилган қўлай инвестицион муҳит дунё саноатчиларини жалб этмоқда. Мана шундай ишлар самараси ўлароқ яқинда Жизжақ вилоятида янги корхонани ишга туширамиз. Яъни Германиялик ишбилармонлар инвестиция қиритишди. Замонавий технологиялар олиб келиниб, ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Корхона ишга тушиши билан қўлаб ёшлар ишли бўлишади. Шу мақсадда касб-хунар коллежлари билан келишувларга эришидик. Сирасини айтганда, бугунги форум биз каби саноатчилар учун ҳамкорлар билан муста-

кам алоқа ўрнатиш воситасига айланди.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самараларини намойиш этмоқда.

Дунё пахта бозоридagi муҳим воқеа бўлган ушбу тадбир жаҳоннинг кўпгина хўшбағирлардан янги ҳамкорлар топиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Анвар ҚУЛМУРDOV,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

## СЎЗ – ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Боши 1-саҳифада)

Терри ТАУНСЕНД, Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ижрочи директори (АҚШ):

– Дунёда пахтага эҳтиёж йилдан-йил ошмоқда. 2005 йилдан бундан ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка жаҳон пахта саноатида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, унинг иштирокчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Дунёда Ўзбекистон пахта бозорига катта қизиқиш билан қаралади. Ҳар гал ушбу ярмаркага келганимизда, мамлакатимизда пахтачилик жадал ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистонда пахта етиштириш учун замонавий инфратузилма яратилган. Мамлакатингиз пахта саноатини ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Ўзбекистонда истеъмолчиларнинг талабларига жавоб берадиган пахтани қўлаб навлари мавжуд. Толани сотиб олиш учун ҳам қўлай шарт-шароитлар яратилган.

Жонг Вей ХИАНГ хоним, «SinoTrans Landbridge Transportation» компанияси савдо менежери (Хитой):

– Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридagi етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради. Давлатингиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу аънаваный ярмарка мамлакатингизнинг мазкур соҳадagi ўзаро манфаатли ташқи савдо ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Ўзбекистонда ушбу тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жихозлаш, замон талабларига мос пахта етиштириш, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаш ва сотиш комплексини ташкил этиш борасида қўлаб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

«SinoTrans Landbridge Transportation» компанияси пахта етказиб бериш билан шуғулланади. Аъло навли ўзбек пахтасига Хитой пахта саноатчилари орасида талаб жуда катта. Айни пайтда юқори сифати бўлган дунёда эътироф этилган ўзбек пахта толасига бўлган ҳужим жаҳон бозорларида ҳам мунтазам ортиб бораётди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда пахтачилик соҳасини мунтазам такомиллаштириб боришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, селекция ишларини тўри йўлга қўйишга, сифатли ва рақобатбардош пахта толаси тайёрлашга қаратилаётган доимий эътибордан ибрат олса айрилади.

Тринх ХОА, «Victory International Spinning Joint Stock» компанияси бosh директори (Вьетнам):

– 2011 йили ўтган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида беш юз тонна ўзбек пахта толасини харид қилган эдик. Бу йил ушбу курсаткичи янада оширишни мўлжаллаётимиз. Мазкур ярмарка пахта етказиб беришчилар ва харидорларнинг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга, ўзаро фойдали муносабатларни кенг йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринларда туради. Сўнгги йилларда ўзбек пахта толасининг сертификация даражаси сезиларли равишда ошганини алоҳида таъкидлаётиман. Ямаркада жаҳон пахта бозоридagi талаб, тақлиф ва нархлар конъюнктурасидаги ўзгаришлар, турли мамлакатларда пахта саноатини ривожлантириш хусусиятлари ҳамда тўқимачилик саноатидagi сўнгги тенденциялар ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўляпти. Бу эса тадбирнинг барча иштирокчилари учун жуда фойдалидир.

ЎЗА МУХБИРИ  
Мадина УМАРОВА,  
Ноира ИМЗОУРОВА,  
Ирода УМАРОВА  
ёзиб олди.

### Тошкент Вилояти

Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида аграр соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида деҳқону фермерларда ерга эгалик ҳисси ошди, меҳнатга бўлган муносабат ўзгарди. Бугун далада тер тўкиб меҳнат қилган фермер ўз меҳнат самарасини кўриб қувонмоқда.

## ЭЛ КОРИГА ЯРАЁТГАНИМДАН БАХТЛИМАН

Оиламиз аъзолари билан келишиб, биз ҳам 2007 йили фермерликни бошлагандик. Дастлаб, хўжалигимизнинг умумий майдони 60 гектар бўлиб, 10 нафар аъзоси бор эди. Бугунги кунга келиб эса умумий ер майдонимиз 165 гектарга, ишчиларимиз сони 40 нафарга етди.

Техника деҳқоннинг юмушини энгил қиладиган асосий воситадир. Шу боис, техникалар сотиб олиш мақсадида 2008 йили «Агробанк» ОАТБнинг Чиноз филиалига мурожаат қилдик. Банк билан зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, 27 миллион сўмга лизинг асосида «ТТЗ-80-10» русумли, 2009 йилда яна шу банк ёрдамида «ТТЗ-80-11» русумли тракторлар сотиб олдик. Сарф-харажат маблағимиз беҳуда кетмади. Ана шу тракторлар ёрдамида дала ишларини ўз вақтида сифатли бажариб, мўл-кўл ҳосил етиштириб, йилдан-йилга даромад ошмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Бунинг боиси, дунёда ўзбек пахтасининг сифати юқори баҳолинишидadir. Қолаверса, пахтадан олинадиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳам катта.

Хўжалигимиз аъзолари эрта баҳордан 75 гектар ерга чигит қадаб, гўза парваришини агротехника қоидалари асосида олиб бордилар. Далаларимизда мўл ҳосил етиштириб, йғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораёямиз. Мавсумда теримчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, банк томонидан терилган пахта учун ўз вақтида маблағлар ажратилганлиги боис қисқа фурсатларда давлат шартномавий режасини баҳардик. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Уни йғиштириб олиш мақсадида йғим-теримни давом эттиряёямиз. Бу борада Хадича Тўхтасинова, Бунёд Хўжамқулов, Махфират Аметова, Солиҳон Тожибоев, ака-ука Бакирвали, Носиржон, Нозимжон Мирзаевлар, механизаторлар Бобомурод Ходжиматов, Абдували Усмоновларнинг заҳматли меҳнатлари таҳсинга лойиқдир.

Президентимиз мамлакатимиз иқтисодийётин ривожлантиришда фермерликнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, «Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисоди, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаш, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўлиши лозим» дея таъкидлаб келадилар.

Ортбoшимизнинг бу даъватлари мени тўлкинлантириб, юксак масъулият юқлаб, янги-янги ишларни бошлашга ундамоқда. Оиламиз билан янги лойиҳаларни режалаштирганмиз. Келажақда қишлоқ хўжалиги билан бирга, чорвачилик, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш, ўзимиз етиштирган маҳсулотларни қайта ишлаш мақсадида кредит олиш борасида «Агробанк» ОАТБ Чиноз филиали билан ҳамкорликда иш олиб бораёямиз. Шу ўринда банк ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтмоқчиман.

Биз — фермерлар Юртбoшимизнинг, қолаверса, халқимизнинг ишончини оқлаб, эл-юртимиз дастурхонини тўкинлиги, ҳаётлари фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.

**Абдуразоқ УСМОНОВ,**  
Чиноз туманидаги  
«Абдуразоқ фой барак»  
фермер хўжалиги раҳбари.

### Навоий Вилояти

## НАВОИЙЛИК ПАХТАКОРЛАР ШИЖОАТИ

ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛ САЛМОГИДА НАМОЁН

Хатирчи туманида кейинги йилларда пахта тайёрлаш борасидаги давлат буюртмалари ортиги билан удалланапти.

– Бу йил давлатга 32 110 тонна сифатли пахта сотишни режалаштиргандик, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг агротехнология масалалари бўйича биринчи ўринбосари Абдуҳамид Иноят. – Ҳозиргача бу курсаткич 33 минг тоннадан ошди. Мўлжалимиз эса ялпи ҳосил миқдорини 34 минг тоннага етказди. Чунки далаларимизда ҳали ҳосил мўл.

– Мавжуд 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлат буюртмасида белгилангандек 34 центнердан эмас, балки 45 центнердан ҳосил кўтаришга қатъий бел боғлаганмиз, – дейди Хатирчи туманидаги «Турсунхон Камолитдин» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмонқул Умаров. – Ҳақиқатан ҳам ушбу ерга 45 центнердан ҳосил олиш мумкин. 41 центнерга етказган эдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлди.

Исмомил Турдиев бошлиқ «Отамурод-Жаббор» фермер хўжалигида пахта хосилдорлиги 40 центнерга етказилди. Фермерликни бошлаган йиллари эса бу рақам бор йўғи 28 центнерни ташкил этган эди.

– Бу йил эса 45 центнерлик маррани қўлаб турибмиз, – дейди фермер. Қизилтепалик пахтакорлар ҳам вилоятда ҳаммаиш илгорлар сафида. Улар жорий йилда ҳам баракали

меҳнат қилишяпти.

– Қўламда 41,7 гектар майдонга чигит қадаган эдик, – дейди «Новаёён шанба обхўр пахтаси» фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Аҳмедов. – Сувчи ва механизаторларимизнинг самарали меҳнатлари эвазига юқори ҳосил етиштирилди. Режалаштирилган 143 тонна ўрнига 154 тонна юқори навли пахта тайёрланди. Ҳали терим давом этмоқда.

– Чўлда деҳқончилик қилиш осон эмас, – дейди «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Валиева. – Сувни бетон ариқлар орқали экинзорларга олиб келиш, унинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланишнинг ўзи бўлмайди. Мамлакатимизда фермер учун ҳаммаиш шарт-шароитларини яратилиб берилаётгани тўғрисида биз каби қийинчиликларни энгилб ўтяямиз. Мўлжалдаги ҳосилни саранжомланган бўлсак-да, далала-

ригимизда ҳали пахта кўп. Қизилтепа туманидаги «Ғолиб», «Аҳад бобо», «Бирдамлик», «Исмоил бобо» каби фермер хўжаликлари аъзолари ҳам бу йилги ҳосил салмоғидан мамнун. Улар бир неча йилдан бунён сувсизликка чидамли, серҳосил, толаси сифатли «Буҳоро-102» навини таллаб хато қилишганини, кўзининг хавоси очик дамларидан самарали фойдаланаётганликлари ҳақида гапиришди. Исмомиддин Норов Кармана туманидаги «Истикбол» фермер хўжалиги раҳбари. Йил сайин қишлоқхўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиб бораётгани ҳақида фермер гуруҳ билан гапиради.

– Фермер хўжалигимиз ташкил толанг 1994 йилда ҳар гектар пахтазордан 28 центнердан, галладан эса 30 центнердан ҳосил олгандик, – дейди у. – Кейинги йилларда эса бу курсаткич пахта-

## КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД

(Боши 1-саҳифада)

Улар атрофларидаги кўримсиз, пахтаман иморатлардан воз кечилди, Гўри Амир макбарасидан то Улугбек расадхонасига қадар масофадаги барча тарихий иншоотлар – Рухобод макбараси, Улугбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Сароймулкхоним, Ҳазрат Хизр масжидлари, Шоҳи Зинда ва Мотурудий ёдгорлик мажмуаларининг уйғунлиги таъминланди. Шу йўналиш бўйича туризм хизмати йўлга қўйилди.

Шаҳарда янги хиёбонлар, богроғлар яратиш, мавжудларидagi ободонлаштириш ишлари ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Масалан, Гўри Амир ва Рухобод макбаралари ёнида бир бог барпо этилди, унинг таърифига сўз ожиз. Буюк бобомиз Амир Темуру номи берилган бу хиёбонда бир мўъжиза – зилол сувчи чашма кўз очди. Мазкур хиёбон рўпарасида ташландиқ ҳолдаги майдон ҳам обод этилиб, у Қўсарой деб аталди. Эндилдики Қўсаройнинг кўрхи ҳам бошқа боғу роғлар, хиёбонлардан қолишмайдиган даражада. У Улугбек, Тиллақори, Шердор мадрасаларидан иборат Регистон ансамбли каби боқий Самарқанд боғлари ансамблига қўшилиб кетди. – Бу хиёбондан асло бефарқ

ўтолмайман, – дейди набиралари курсовидаги меҳнат фахрийси Иноят Нейматов. – Очиғи, неча йиллардан бунён шаҳар ўртасида катта майдонни эгаллаб ётган мурзайдан ҳеч кимга наф йўқ эди. Юртбoшимизга минг раҳмат, миллий-лигимиз, ўзлимизга қайтишимиз йўлида қанчалик эзгу ишларни амалга оширяпти. Бугун набираларимизга йўлбарс мисол шират билан ривожланиб йўлга кирган мамлакатимизга «Йулбарслар хиёбони»нинг қанчалик ярашгани, бундай ишларда доимий равишда Президентимизнинг бош-қош бўлаётганини тушунираётган эдик.

3,2 гектар майдондаги бу сўлим оромгоҳ бугун каттаю кичик ҳар бири самарқандликнинг энг севилими, энг қадрили масканларидан бирига айланди. Бу ерда эртаю кеч одамларнинг, айниқса, ёшларнинг сўйиб этиб юрганлиги гувоҳ бўлсаиз. Улар игна баргли дарахтлару каштанлар билан безалган хиёбоннинг ҳар қарчили, ҳар бири йўлидаги Самарқандга хос гўзаллик, файзу тароватдан, фаворалардан таралаётган сувларнинг кўёш нурида товланишидан баҳра олишадиган, хонажон шаҳарларининг кун сайин гўзаллашиб, кўркамлашиб, обод манзилга айланиб бораётганидан гурурланишадиги.

Президентимиз тақлифлари асосида бутунлай қайта қурилган Алишер Навоий номидаги бу чироқидан кўнгул ярайди. Бу ерда барпо этилган Истиклол иншоотлари – ўз номи билан мўъжизага айланган «Мўъжиза» амфитеатри, Ёшлар маркази ҳаммаиш йигит-қизлар билан гавжум.

Шаҳарнинг асосий дарвозалари – аэропорт, темир йўл вокзали аллақачон дунё андозалари даражасидаги йирик иншоотларга айланиб улгурди. Яна тўрт худудда замонавий автовокзаллар ҳам ишлаб турибди.

Бундай ўзгаришлардан хайратланган италиялик сайёҳлардан бири Массимо Бернасconi шундай деган эди:

– Самарқанд ҳақиқий эртаклар шаҳри экан. Бу ердаги ҳар бири меъморий ёдгорлик, замонавий иншоотлар кўркамлиги билан кишини ўзига жалб этади. Самарқанд темир йўл вокзали мени таъзиман хайратга солди. Шаҳардаги фавораларнинг меъморий ёчимчи ва дизайн ҳар қандай киши қалбига ҳузур бағишлайди. Регистон майдонини эса меннинг тасавурида дунёнинг энг зўр мўъжизаларидан бири.

Бу фикрларни Германиядан таширғи буюрган сайёҳ Блэко То-

мас шундай давом эттиради:

– Мен Шарқ халқлари тарихи билан жуда қизиқаман. Ҳар сафар Самарқандга келганимда ўтмиш тарихчиларининг Самарқандда ободончилик масаласига алоҳида эътибор қаратишгани ҳақидаги тарихий баённомалари кўз олдимда гавдаланади. Бугунги Самарқанднинг замонавий қиёфаси, бу ердаги ободонлаштириш ишлари қамрови мени хайратга солмоқда. Асрлар давомида Самарқанднинг энг гўзал шаҳар сифатида асраб келишга қанчалик эътибор берилган бўлса, бугун Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида бундай ишлар қўламининг юз баробар ошганини кўряман.

Шаҳар қиёбиндаги Қўҳак тепалигида, Обирахмат ариғи бўйида буюк олим Мирзо Улугбек томонидан 1428-1429 йилларда барпо этилган улкан расадхона дунёдаги бундай иншоотлардан қойнот илми билан боғлиқ қатор математик рақамларни аниқ баён этиши юзасидан ажрალიб туради. 2010 йилнинг баҳорида Президентимиз ташаббус ва тавсиялари билан бу ерда кенг қўламадagi баньдорлик ишлари бошланди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида эса расадхона ва музейининг муқаммал лойиҳага эга бўлган за-

монавий бинолари қуриб битказилди. Янгидан яратилган Мирзо Улугбек ҳайкали музейининг замонавий қўрилишига янада кўрб бағишлади. Бундай эзгу ишлар самодда «Самарқанд» сайёраси кашф этилиши билан бир даврга тўғри келиши ниҳоятда аҳамиятлидир.

Дарвоқе, кўҳна Самарқанднинг бугунги салохиятини унинг кечаги шарафли ўтмиши, сохибқирон Амир Темуру бобомиз давридаги боғу роғлар, дунё аҳлини лол айлаган осмонлар миноралари билан боғлаш ўринлидир. Айни пайтда шаҳар марказидаги Беруний, Улугбек, Бўстонсарой, Спитамен номли ва яна қанчалаб қўчалар кетғасининг бутунлай ўзгариб кетгани, энди улар шаҳар таровати тароват қўшаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шарқнинг гавҳари ва дурдонаси, қадимий ва ҳаммаиш навқирон Самарқанд салохияти йилдан-йилга юксалиб, у кўз ўнгимизда яшнаб, яшариб, ўтмиши, бугуни ва келажаги уйғунлашиб бораёпти. Кўҳна шаҳарда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар мамлакатимиздаги тинчлик, фаровонлик, иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва бардаволиги самарасидир.

А.АБДУНАБИЕВ

Навоий Вилояти

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Хоразм Вилояти

# ТАРАКҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ХИЗМАТИДА



**Президентимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халққаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарор "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки Навоий вилояти филиалининг ҳам замонавий услублар асосида фаолият юритишида катта туртки бўлди.**

Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасига қаратилган эътибор натижасида у иқтисодий-техник етакчи қучига айланди. Бугунги кунда республикамизда эришилган ютуқларнинг асосий омилларидан бири ҳам тадбиркорликка кенг йўл очилганидир. Чунки яратувчиликка, халққа хизмат қилишга бел боғлаган кўллаб юртдошларимиз ўзининг озу-истакларига тадбиркорлик орқали эришмоқдалар. Ишбилармонларнинг кўпчилиги "Асака" банк билан ҳамкорлик қилиб, қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

"Асака" банкнинг Навоий вилояти филиалида яқин тартибда иш бошлаган тадбиркор ва касана-чиға кўмаклашишдан тортиб — кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаси ҳамда фермерликни ривожлантиришга бўлган кенг қўламдаги ишлар яқин йўлга қўйилган. Банкнинг филиали 4 минибанк, 56 жамғарма ва аҳолидан барча тўловларни қабул қилувчи махсус кассалари орқали 50 000 нафарга яқин юридик ва jismoniy шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2012 йилнинг тўққиз ойи давомида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 22,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди ва бунинг натижасида 167 та янги иш ўрни яратилди. Банк томонидан амалга оширилган ишларда Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётди. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида тадбиркор Нилуфар Жўраевага қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун имтиёзли кредит ажратилди. Натижада ишбилармон ўзининг корхонасида ишлаб чиқариш хажмини 1,2 бараварга оширишга, шунинг баробарида янги иш ўринлари яратишга эришди. "Навоий қафолат қурилиш" хусусий корхонасига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида кредит маблағлари ажратилди. Сармоияга замонавий ускуналар ва 20 минг бош товуқ сотиб олинди. Натижада корхонада 20 та янги иш ўрни яратилди. Юртбошимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йил давомида филиал томонидан ҳам таъминланган оилаларга чорва моллари олиш учун ҳам имтиёзли кредит маб-

лағлари ажратилмоқда. Бундан ташқари, банк филиали томонидан инвестицион дас турларни молиялаштириш бора-сида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Навоий" эркин иқтисодий-индустриал зонаси ҳудудида жойлашган "NAVOIY BEAUTY COSMETICS" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасига ҳар хил турдаги косметика воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавий технологияларни жорий этиш учун узок муддатли кредит маблағлари ажратилди. Натижада корхона томонидан ҳозирги кунга қадар импорт ўрнини босувчи 1,3 миллиард сўм миқдорда косметика воситалари ишлаб чиқарилди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига асосан оилаларни, айниқса, ёш оилаларни янада ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга имкониятлар яратилмоқда. "Асака" банк Навоий вилояти филиали томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиш-

тириш, иччам иссиқхоналар ташкил этиш, паррандачилик ва асаларчилик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжаликларга таъминот этиш учун микрокредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун 37 нафар битирувчи банк филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 116 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Сирасини айтганда "Асака" банкнинг Навоий вилояти филиали жамоаси виллоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. **Банк матбуот хизмати**

**Пахтакорларимиз меҳнату матонат эвазига етиштирилган пахта ҳосилини тез ва сифатли териб олишга киришган. Мавсумда уларга маънавий мададкор бўлишни мақсад қилганмиз.**

## ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Мавсум давомида барча туманларда маданий хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар белгиланди. Виллоятимизнинг энг чека ҳудудларидаги фермер хўжаликларига-ча бориб, турли кўнгилочар концерт дастурлари намойиш қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари — Гуломжон ва Фағружон Эшжоновлар раҳбарлигидаги мақом ансамбли, "Ўзбекнаво" эстрада бېлашмасининг Хоразм виллояти бўлими, Тозагул Ҳасанов ва бошқаларининг қўлидаги "Оразион" фольклор-этнографик ансамбли, виллоят кўнгилочар театри, Хазорасп туманидаги "Хумор", Хонқа туманидаги "Дилором", Янгиарик туманидаги "Муборақ", Хива туманидаги "Достон", Урганч туманидаги "Навбахор" ва бошқа туманлардаги ашула ва рақс ансамбллари, бадий жамоаларнинг қишлоқлардан баҳраманд бўлаётган пахтакор хашарчилар гайрати янада ошмоқда.

Огаҳий номли виллоят мусикали драма театри жамоаси таркибидagi Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комилжон Тожибоев, шунингдек, Рустам Нурметов, Баҳоуддин Рўзиматов каби истеъдодли санъаткорлар меҳнаткашларга дилрабо қўшиқлари билан кўтаринки кайфият бағишламоқда.

**Шокир МАДАМИНОВ,** Хоразм виллояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи.

Сурхондарё Вилояти

Самарқанд Вилояти

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

# КЎМИР ҚОЛДИГИДАН СИФАТЛИ ЁҚИЛГҲ

**КАТТАҚЎРҒОНДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА КЎМИР БРИКЕТЛАРИ (ЮҚОРИ БОСИМ ОСТИДА ЗИЧЛАНГАН КЎМИР БЎЛАКЛАРИ) ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ «ALJEL» ЎЗБЕКИСТОН-КОРЕЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТА БОШЛАДИ. БУ 60 НАФАРДАН ОРТИК ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ.**

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш изчиллик билан амалга ошириляпти. Хусусан, соҳага сифатли лизинг хизматларининг жорий этилганлиги тизим субъектларининг техник таъминотини янада яхшилашга хизмат қилаётди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги "Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.



"Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида келтирилганча, лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан унинг тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ҳамда фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Мазкур Қонуннинг 22-моддасида лизинг тўловларини амалга ошириш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра бу тўловлар лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг олувчи томонидан қопланганидан, шунингдек, лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади. Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Тўловларнинг миқдорлари, даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

Шартнома шартлари тўлиқ бажарилиб, муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтади. Мамлакатимиз қонунчилигида лизинг тартиб-қоидалари шу тарзда аниқ белгилаб берилган бўлса-да, баъзи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномаси шартларини ўз муддатида адо этиш борасида айрим қонун бузилиш ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, "Ўзқишлоқхўжаликмашинолизинг" акциядорлик лизинг компанияси Сурхондарё виллояти филиали томонидан бир қатор қишлоқ хўжалик корхоналарига агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишлари учун энгиллик яратиш мақсадида қўллаб қишлоқ хўжалик техникалари лизинг асосида етказиб берилганди. Бироқ айрим корхоналар томонидан лизинг шартномаси тўловлари белгиланган муддатларда амалга оширилмаётгани ҳолатлари аниқланди.

Виллоят адлия бошқармаси томонидан шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилнинг ўтган даври мобайлида 10 та пахта тозалаш корхоналаридан 160 миллион 466 миң 850 сўм миқдоридagi асосий қарз ҳамда 56 миллион 484 миң 560 сўмлик пеня ундириш юзасидан Сурхондарё виллояти хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Шунга асосан, виллоят хўжалик суди томонидан 144 миллион 420 миң 165 сўм асосий қарз ва 14 миллион 442 миң 12 сўм пеня ундириш юзасидан ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, "Узун пахта" ОАЖ, "Қизиқ пахта" ОАЖ ҳамда "Шўрчи пахта" ОАЖ корхоналарининг ҳар биридан 16 миллион 46 миң 685 сўм асосий қарз ва 1 миллион 604 миң 668 сўм пеня, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда давлат божи ундириш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Шундан хулоса қилиб, шартнома томонлар ўртасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжат эканлиги, ундаги мажбурларнинг бажаришга ҳар икки томоннинг доимо мажбур эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

**Баҳоидир ЧОРШАНБИЕВ,** Сурхондарё виллояти адлия бошқармаси Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими етакчи маслаҳатчиси.

Маълумки, кўмир казиб олиниш, ташиш жараёнида майдаланади. Натижада аксарият ҳолларда ушбу кўмир қуқунлари чиқитта чиқарилар эди. Эндиликда эса ундан самаралари фойдаланишнинг иложи топилди. Хориждан олиб келинган технология асосида кўмир қуқунни қайта ишлангани, фойдаланса бўладиган брикетларга айлантирилмоқда.

Каттақўрғон шаҳри иқтисодий салоҳияти, sanoatdagi улуши билан Самарқанд виллоятида салмоқли ўрин тутди. Бу маскан, айниқса, мустақиллик йилларида янада кўркамлашиб, чирой очди. Бутун республикамиз бўйлаб қилинаётган обodonлаштириш ва бунёдкорлик ишлари Каттақўрғонда ҳам алоҳида шижоват билан амалга оширилмоқда. Кўчалар кенгайтирилмоқда, истироҳат боғи ва ҳордиқ олиш масканлари таъмирланиб, янги-янги бинолар, корхоналар барпо этиляпти.

"ALJEL" Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси ҳам ана шундай истиклол меваларидан биридир. Ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишида Савдо-саноат палатаси ёрдами билан ўтган йили Жанубий Корейнинг "JEL MACHINERY Co. Ltd" ва Самарқанднинг "AL" компанияси ўртасида Каттақўрғонда умумий қиймати 1 миллион 200 миң АҚШ долларига тенг бўлган кўмир брикетлари ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш тўғрисидаги келишувга эришилган эди. Ушбу сармоиянинг 60 фоизини корейлик ишбилармонлар, қолган 40 фоизи эса Ўзбекистонликлар ҳисобидан сарфланадиган бўлди.

Ўзбекистонга кўмир брикетини ишлаб чиқарувчи юқори технологияли асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатди, — дейди қўшма корхонанинг бош директори Ким Жонг Хо. — Бугунги кунга келиб, технологиялар ишлаб чиқаришга тўлиқ жорий этилди. Қўшма корхона Каттақўрғон шаҳрида ташкил этилишининг сабаби бу ерда хунармандчилик, халқ амалий



санъати билан бирга ишлаб чиқаришнинг кўпгина жабҳалари азалдан ривожланган. Қолаверса, бу шаҳар кадимий "Буюк ипак йўли", яъни транзит йўл бўйида жойлашган бўлиб, маҳсулотни тезда тарқатиш учун барча зарур шароит инфратузилма мавжуд. Бундай қулайлик бизнинг бизнесимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Юқори босим остида ишлов берилиб, пресслаб тайёрланадиган брикетлар оддий кўмирга нисбатан

бирмунча афзалликларга ҳам эга. Хусусан, кўмир брикетлар оддий кўмирга нисбатан уч-тўрт мартабача тезроқ ўт олади, ёниш муддати ҳам бир мунча узокроқ. Иссиқлик чиқариш самарадорлиги ҳам оддий кўмирга нисбатан 23-35 фоиз кўпроқ. Кўмир брикетларининг полиэтилен ва полипропилен халталарда сақланиши ҳам қўллаб қўлайликлар яратди. Шакли иччам бўлгани боис ташиш ва ишлатишга жуда қулай. Асосийси, атроф-муҳитга захарли

# ГАЗЧИЛАР МАВСУМГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА




Президентимизнинг 2012 йил 20 июндаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2012-2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси томонидан Сурхондарё ва Қашқадарё виллоятларида катта қўламдаги ишлар амалга оширилди. — Қашқадарё виллояти бўйича жами 400403 та хонадон газлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 70,6 фоизни ташкил этмоқда, — дейди "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси директори вазиқасини бажарувчи Шокир Қодиров. — Корхонамиз жамоаси томонидан ана шу хонадонлардаги газ ўтказилувчи уз вақтида тафтишдан ўтказилди. Ер ости қувурларининг ҳолати текширилди. Айни пайтда газ қувурларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Газ тақсимлаш қурилмаларини мукамал таъмирлаш, ҳаво босими ёрдамида тозалаш ҳамда газ қувурларини бўяш ишлари тўлиқ бажарилиди. Сурхондарё виллояти бўйича ҳам бу борада аниқ тадбирлар режа-

си белгиланиб, унинг тўлақонли ижроси таъминланди. Хозирда кўп қаватли хонадонлар, бино ва ишоотларнинг газ тармоқлари, асбоб-ускуналар ҳамда дудбурунлари ёнги хавфсизлиги бўйича кўриқдан ўтказилмоқда. Шунингдек, "Саноатконтенезорат" ва "Ўздавнефтегазрезерват" инспекцияларининг рўйхатидан ўтмаган, замонавий электрон газ ўлчагич асбоблари ўрнатилмаган, дудбурунлари мавсумга шай бўлмаган, газ ускуналари профилактик ва техник қўриқдан ўтказилмаган, тўловларни амалга оширмаган, захирага бошқа турдаги ёқилгиси мамлангаган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига оғохлантиришлар берилди.

— Қилинаётган кенг қўламда ишларнинг барчаси мавсумни кўнгилдагидек ўтиши учун мустаҳкам замин бўлади, — дейди "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасининг Сурхондарё виллояти филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи вазиқасини бажарувчи Баҳоидир Икромов. — 2012-2013 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида барча ертўлалар ва ер остида жойлашган газ қувурлари текшириб чиқилди. Мавсум давомида режадаги 4580 та ГТШ тафтишдан ўтказилди, 13 таси мукамал таъмирланди. 7,76 километр газ қувурлари мукамал таъмирдан чиқарилди. 311,46 км. газ қувурларининг ҳолати ҳамда дудбурунларнинг созилиги текширувдан



ўтказилди. Шу билан бирга, виллоятда қўшимча равишда аҳолининг ҳамда "Узтрансгаз" АК маблағлари ҳисобидан газ қувурлари тортилди, 1332 та хонадон газлаштирилди. 857 та табиий газ билан таъминланган ижтимоий соҳа объектларида газдан фойдаланиш жиҳозлари, тақсимлаш қурилмалари



техник тафтиш ва созилашдан ўтказилди. Сирасини айтганда, виллоятда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун барча чора-тадбирлар қўрилган. Бу эса корхона жамоасининг эл фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ўзига хос ҳиссаси бўлади. **Хусан ТЕМИРОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент Вилояти

## ҒАЗАЛКЕНДА ЯНГИ ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Ғазалкент шаҳрида янги маданият ва истироҳат боғи қурилишига асос солинди.

Қарийб 4 гектар майдон эгаллаган хиёбонда 500 уринли анфитрат, кафе, 5 та фаввора, турли хил аттракционлар, болалар ва катталар учун ёғи ҳамда қишқи чўмилиш ҳавзаси, шунингдек, ҳайвонот боғи барпо этилмоқда. Бунёдкорлик ишлари "Чорвоқ ГЭС қурилиш" шўба корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Боғнинг ҳар жиҳатдан қўрқам ва соя-салқин бўлиши учун 1000 дан зиёд манзарали дарахтлар, гул қўчатлари экиш кўзда тутилган. **Иброҳим ТОШЕВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

2012 йил - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

# УМР БЕЗАГИ ВА МАЗМУНИ



Ўзаро ишонч, ҳурмат ва меҳр-муҳаббат асосига қурилган оила - инсон умрининг безаги, мазмуни. Миллий қадриятларимизда оила ва оилавий муносабатлар муҳим ўрин тутди. Оилани муқоддас билиб, унга ҳамиша садоқат билан ёндашиш кўникмаси қон-қонимизга сингиб кетган.

Термизлик Санжар Саидов - ёш оила соҳиби. Шаҳардаги "Нафис мебеллар уйи" корхонасида иқтисодчи бўлиб ишлайди. Унинг вилоят болалар кўп тармоқи тиббиёт маркази шифокори Диларфуза Раваилова билан турмуш курганига ҳали кўп бўлмади. Бироқ мана шу қисқа вақт бу ёшларнинг бир-бирига муносиб умр йўлдош, ҳаёт қувонч ва ташвишларини тенг бўлишадиган ҳамфикр эканликларини кўрсатди. Мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибордан Санжар ва Диларфуза беҳад мамнун. Улар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, Термиз шаҳрида барпо этилган янги, замонавий уй-жойга эга бўлди. Шинам, барча қўлайликларга эга хонадонда тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечираётган бу ёш оилада ҳар томонлама соғлом камолга етаётган Далер энди уч ёшни қаршилайди.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## МУЛКИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИКҚАТИГА!

### БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯҶОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Лот 37-1.** "Вобект тумани Курувчи ҚФЙ Нарқоқ аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 118015,2 минг сўм (ҚҚС билан), 98345,99 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 37-2.** "Вобект тумани Халач ҚФЙ Шакаркент аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 156402,5 минг сўм (ҚҚС билан), 130335,4 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 37-3.** "Бухоро тумани Боғикалон ҚФЙ Юсуф аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 324982,91 минг сўм (ҚҚС билан), 270819,09 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 37-4.** "Бухоро тумани Лоша ҚФЙ Жонбобо аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 489456,048 минг сўм (ҚҚС билан), 407880,04 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 37-5.** "Жондор тумани Пўлоти ҚФЙ Кўча аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 152130,29 минг сўм (ҚҚС билан), 126775,24 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 37-6.** "Когон тумани Убачули ҚФЙ Тангит аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 274524,311 минг сўм (ҚҚС билан), 228770,26 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.

- Лот 37-7.** "Қоракўл тумани Хўжалар ҚФЙ Хўжалар аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 237182,49 минг сўм (ҚҚС билан), 197652,075 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 37-8.** "Қоровулбозор тумани Бўзачи ҚФЙ Сардоба аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 199704,45 минг сўм (ҚҚС билан), 166420,37 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 38-1.** "Олот тумани Гулистон ҚФЙ Хосабўйи аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 136012,94 минг сўм (ҚҚС билан), 113344,12 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 38-2.** "Олот тумани Чандир ҚФЙ Бўстон аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 133614,2 минг сўм (ҚҚС билан), 111345,16 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 38-3.** "Пешку тумани Ибн Сино ҚФЙ Афсона аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 138816,49 минг сўм (ҚҚС билан), 115680,4 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.
- Лот 38-4.** "Роғонтан тумани Роғонтан ҚФЙ Гараншоҳ аҳоли пунктидаги автомобиль йўли қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати - 253992,42 минг сўм (ҚҚС билан), 211660,35 минг сўм (ҚҚСиз).
- Қурилиш муддати** - 2 ой.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори ва Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ҳокимиятининг 2012 йил 26 сентябрдаги 332-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйдаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо дўконини қуриш учун, Сирдарё вилояти Ширин шаҳар А.Темур маҳалласи ҳудудидан 1 дона, умумий майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасининг минимал қиймати - 31 800 сўм.

2. Пайвандчилик цехи ва офис биносини қуриш учун, Сирдарё вилояти Ширин шаҳар Фарҳод маҳалласи С.Функ кўчасининг жанубий қисми ҳудудидан 1 дона, умумий майдони 180 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасининг минимал қиймати - 57 240 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ширин шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириқи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириқи нусخаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов гўлиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузишдан кўндалди бўлган 2013 йил ноябрь ойигача амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмачиларнинг қабул қилиш билдиришиномаси матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ва 2012 йил 20 ноябрь кунга соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртмачи билан берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ миллий қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закалатни за-

### БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИКҚАТИГА!

#### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯҶОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Жиззах вилояти бўйича "Баркамол авлод" марказларини асбоб-ускуна, меъбел ва жиҳозлар билан таъминлаш" объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСиз 512,43 млн. сўм, ҚҚС билан 614,916 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012 йил 25 декабрдан.

Ишларни молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8-372) 222-46-40.

Танлов савдосида иштирок этадиган пудратчи ташкилотлар қуйдаги шартларга жавоб бериши керак: улғурчи савдо фаолияти билан шугулланиш бўйича лицензияга эга, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўша ишларни бажариш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва хорижий пудратчи ташкилотлар иштирок этганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолаш жараёнида маҳаллий пудратчилар учун қуйдаги нарх преференциялари кўзда тутилган: баҳолашда қонунийликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озода этилган импорт ишларни бажариш учун ва қисман қўрсатувчи чет эл оферентларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкилотчиси - Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси 63-уй (вилоят кенгашлари уйи биноси), 425-хона. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.

Бир тўплам танлов ҳужжатлари нархи 100 минг сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан қоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати - оферталар очилиш кунини ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади.

Жиззах ш., Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти

Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти

Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти

### КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИКҚАТИГА!

#### I. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯҶОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ИНШОТТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти Чуст тумани Баймोक ҚФЙ Дамобод қишлоқ аҳоли пунктига сув тармоғини тортиш.

Объектни бошланғич нархи - ҚҚС билан 252 764 705 сўм, ҚҚСиз 210 637 254 сўм.

Яқунлаш муддати - 75 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Тел: (8-369) 226-22-60, 33-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Давлат бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Дикқат! 500 миллион сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

#### II. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОҶХОНА БОШҚАРМАСИ ҚУЙДАГИ ИНШОТТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги "Учкўрғон" боғхона постини мухаммал таъмирлаш.

Объектни бошланғич нархи - ҚҚС билан 1 354 420 914 сўм, ҚҚСиз 1 128 684 095 сўм.

Яқунлаш муддати - 8 ой.

Буюртмачи: Наманган шаҳри Ирригатор кўчаси 2-а уйда жойлашган Наманган вилояти боғхона бошқармаси. Тел: (8-369) 234-33-01, факс 234-35-01.

Лойиҳани молиялаштириш: Давлат боғхона қўмитаси махсус жағмағмаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Дикқат. Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бешка тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллик эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 2-фазидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки қўрсатилган маблағни беришга

банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўқша объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйдаги нарх қўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларини) таъминлаш бўйича танлов тақлифларини беришда хориж товарларини етказиб беришдан қўшимча қиймат солиғидан қонун дорасида озода бўлган иннобатга олган ҳолда

Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти

Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти

Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти Ушбу қўрсатилган субъектларнинг маълумоти

### «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ва унинг ҳудудий филиалларининг танлов савдоларига чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2012 йил 5 сентябрдан 12 октябргача бўлган муддатдаги савдоси натижалари

№	Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи	Ер участкасининг жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўмда)	Сўтилган қиймати (сўмда)
<b>Бухоро вилояти</b>				
2012 йил 10 октябрда				
1	1-сонли тўқуз етти қуриш учун	Вобект тумани, "Курувчи" МФЙ Арабон кўчаси	108 243,00	500,00
2	2-сонли савдо дўконини қуриш учун	Вобект тумани, "Курувчи" МФЙ Арабон кўчаси	108 243,00	150,00
3	1-сонли гўшт дўконини қуриш учун	Вобект тумани, "Пирмас" ҚФЙ Бозоржойи к-ги	15 010,00	100,00
4	2-сонли савдо дўконини қуриш учун	Вобект тумани, "Пирмас" ҚФЙ Бозоржойи к-ги	15 010,00	100,00
5	4-сонли маъшият хизмати қўрсатиш биносини қуриш учун	Вобект тумани, "Пирмас" ҚФЙ Бозоржойи к-ги	86 300,00	700,00
<b>Сурхондарё вилояти</b>				
2012 йил 5 сентябрда				
6	6-сонли савдо ва маъшият хизмат қўрсатиш биносини қуриш учун	Олтинсой т., "Қорлик" ҚФЙ, "Марказ" м-сида.	17 376,00	28,00
7	7-сонли савдо ва маъшият хизмат қўрсатиш биносини қуриш учун	Олтинсой т., "Қорлик" ҚФЙ, "Марказ" м-сида.	17 376,00	28,00
8	8-сонли савдо ва маъшият хизмат қўрсатиш биносини қуриш учун	Олтинсой т., "Қорлик" ҚФЙ, "Марказ" м-сида.	17 376,00	26,00
9	9-сонли савдо ва маъшият хизмат қўрсатиш биносини қуриш учун	Олтинсой т., "Қорлик" ҚФЙ, "Марказ" м-сида.	17 376,00	30,00
10	10-сонли савдо ва маъшият хизмат қўрсатиш биносини қуриш учун	Олтинсой т., "Қорлик" ҚФЙ, "Марказ" м-сида.	17 376,00	30,00
<b>Жиззах вилояти</b>				
2012 йил 5 сентябрда				
11	Мушайм кафеси биносини қуриш учун	Зарбурт т., Бўстон шаҳарчаси Дўстлик м-си ҳудудидан	126 005,00	140,00
2012 йил 10 октябрда				
12	Савдо дўконини, ошхона ва турли хизмат қўрсатиш шохбосчаси биносини қуриш учун	Ғалларо тумани Гулли ҚФЙ Лаймкор кўчалари Ҳамма маҳалласи ҳудудидан	206 984,00	280,00
<b>Самарқанд вилояти</b>				
2012 йил 18 сентябрда				
13	1-сонли савдо ва маъшият хизмат қўрсатиш биносини қуриш учун	Самарқанд ш., Саттево турарлик маҳаллиси	47 220,00	150,00
2012 йил 28 сентябрда				
14	Маъшият хизмат қўрсатиш мажмуасини қуриш учун	Пахтачи т., Султанооб ҚФЙ, Гурўган к-ги	392 742,00	500,00
2012 йил 12 октябрда				
15	2-сонли ер участкаси	Самарқанд вило., Ургант т., "Ургант" ҚФЙ, "Ипакчи" м-си ҳудудидан	188 236,00	1 700,00

Тошкент давлат аграр университетини жамоаси чилангарлар бригадаси ишчиси

Бахтиёр ЭРҚУЗИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Босм муҳаррири:** Чор Латипов

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграривот комплекси тарихийдаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдиқабол ТАМИКБЕК, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Окмунжа ЮНУСОВ, Ашвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерқод ФУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсум котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот технологиялари ташкилининг 2009 йил 13 февралдаги № 0020-рқам билан рўйхатдан ўтказилган.

Телефонлар: Клубхона - 236-58-83, Котибхона - 233-95-17, Аграр масалалари бўлими - 233-76-78, Иқтисодий-саноат ва ҳуқуқий масалалар бўлими - 236-56-30, Матнашар ва маърифат бўлими - 236-56-21, Халқаро ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 233-28-04, Факс - 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДАДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Коржақалғистон Республикаси - (+99890) 728-09-78; Андижон - (+99893) 630-73-03; Бухоро - (+99891) 247-29-59; Жиззах - (+99890) 297-44-00; Навоий - (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона - (+99890) 278-95-87; Самарқанд - (+99891) 537-24-95; Сирдарё - (+99894) 168-43-60; Сурхондарё - (+99890) 519-86-50; Тошкент - (+99890) 976-39-58; Хоразм - (+99890) 438-71-25; Қашқадарё - (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.

**Навбатчи муҳаррир:** С.СОЛИЕВА  
**Мушарраф:** М.СУЛТАМОВА  
**Дизайнер:** М.БОБОМУHAMМЕДОВА